

«Mendeleyev kids and juniors» болажонларни мўъжизавий кимё оламига саёҳатга таклиф этади

// 10 oktabr 2024 йил

<https://special.uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/mendeleyev-kids-and-juniors-bolazhonlarni-muzhizaviy-ki-myo-o>

Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё технология университети Тошкент шаҳри филиали талабалари ташаббуси билан амалга оширилаётган «Mendeleyev kids and juniors» лойиҳаси 6 ёшдан 14 ёшгacha болалар учун мўлжалланган бўлиб, унда ҳақиқий лабораторияда тажрибалар ўтказилади.

Лойиҳа шу вақтгача 570 нафардан ортиқ ёшларнинг кимё фани ҳақида тасаввурларини бойитишга, табиий фанларга қизиқишлигини орттиришга ҳисса қўшмоқда.

Болажонлар ота-оналари билан Россия кимё технология университети Тошкент шаҳри филиалига ташриф буюриб, қизиқарли кимёвий амалиётлар, назарий семинарлар, квестларда иштирок этишлари мумкин.

Навбатдаги дарслар 13- октябр якшанба куни бўлиб ўтади. Рўйхатдан ўтиш учун @Mkids_admin га мурожаат қилинг.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати